

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА ҲУДУДИДА АВТОМОБИЛЬ ВА
ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИДА БОЖХОНА НАЗОРАТИ ОСТИДАГИ
ТОВАРЛАР ТАШИЛГАНДА ЮК БЎЛИМЛАРИГА МАХСУС БОЖХОНА
ПЛОМБАЛАРИ ҚЎЙИШ ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 27 июлда рўйхатдан
ўтказилди, рўйхат рақами 2904]

Ўзбекистон Республикасининг Божхона [кодексига](#) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида автомобиль ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидалари [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

Раис М. ТОХИРИЙ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 июль
01-02/12-24-сон

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 18 июлдаги 01-02/12-24-сон
[қарорига](#)
[ИЛОВА](#)

**Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида авто ва темир йўл транспорт воситаларида
божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона
пломбалари қўйиш**

ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Божхона [кодексига](#) мувофиқ божхона ҳудудига божхона назорати остида кираётган, ундан чиқаётган ҳамда транзит тартибида ўтаётган авто ва темир йўл транспортининг (бундан буён матнда транспорт воситаси деб юритилади) товарлар ортилган юк бўлимларига божхона органлари томонидан махсус божхона пломбалари қўйиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Олдинги таҳрирга қаранг.

махсус божхона пломбаси — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти томонидан тасдиқланган шакл, ўлчам ва қўринишдаги, белгиланган серия ва тартиб рақамли, товар ва транспорт воситаларини идентификациялашда бир марта фойдаланиладиган, шунингдек транспорт воситаларини бошқариш ва назорат қилишнинг онлайн механизмини назарда тутадиган навигацион божхона идентификациялаш воситаси;

(1-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 15 июлдаги 01-02/12-45-сонли қарори (рўйхат рақами 2904-1, 16.08.2019 й.) таҳририда — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2019 й., 10/19/2904-1/3572-сон)

жўнатувчи божхона пости — божхона назорати остидаги товарлар ортилган транспорт воситалари юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйган божхона комплекси ёки пости;

манзил божхона пости — божхона назорати остидаги товарлар ортилган транспорт воситасининг етиб бориш божхона комплекси ёки пости.

2. Божхона кодексининг **197-моддасига** мувофиқ маҳсус божхона пломбаси божхона органлари томонидан ўзгартирилиши, олиб ташланиши ёки йўқ қилиниши мумкин, бундан товарларнинг ва транспорт воситаларининг йўқ қилиниши, қайта тиклаб бўлмайдиган тарзда йўқотилиши ёки жиддий тарзда бузилиши ҳақиқий хавфи бўлган ҳоллар мустасно. Божхона органларига божхона идентификациялаш воситалари ўзгартирилганлиги, олиб ташланганланлиги ёки йўқ қилинганлиги тўғрисида дарҳол хабар берилади ва ҳақиқий хавф мавжудлигининг далиллари тақдим этилади.

2-боб. Транспорт воситаларининг товарлар ортилган юк бўлимларига маҳсус божхона пломбаларини қўйиш

3. Божхона назорати остида товарлар ташилаётган барча транспорт воситаларининг юк бўлимларига маҳсус божхона пломбалари қўйилиши лозим, бундан мазкур Коидаларнинг **4-бандида** келтирилган ҳоллар мустасно.

4. Қуидаги ҳолларда божхона назорати остидаги товарлар ортилган транспорт воситаларининг юк бўлимларига маҳсус божхона пломбалари қўйилмайди:

бир транспорт воситасида контейнерлар эшиклари бир-бирига қараб жойлаштирилганлиги натижасида пломба қўйишнинг имкони бўлмаса;

товарлар усти очиқ транспорт воситасига юкланса;

темир йўл станцияларида юқори кучланишли электр симлари ўтган жойлардаги вагон ва контейнерларига маҳсус божхона пломбаларини қўйиш ходимнинг ҳаёти ва саломатлигига жиддий хавф солса;

Олдинги таҳрирга қаранг.

Олдинги таҳрирга қаранг.

«экспорт» божхона режимида божхона юк декларацияси «яшил» йўлак орқали автоматик равища божхона расмийлаштирувидан ўtkазилган ҳолларда, бундан мазкур Коидаларнинг 5-банди **иккинчи хатбошисида** кўрсатилган ҳолатлар мустасно;.

(4-банднинг бешинчи хатбошиси *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 7 декабрдаги 01-02/12-60-сонли қарори* (рўйхат рақами 2904-2, 31.12.2020 й.) таҳририда — *Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.01.2020 й., 10/20/2904-2/1701-сон — 2021 йил 1 январдан кучга киради*)

жўнатувчи божхона постларида хавфни бошқариш автоматлаштирилган ахборот тизими қўлланилган ҳолларда, агар транспорт воситаси ва унинг юк бўлимида божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфининг белгилари аниқланмаган ҳолатларда (транзит товарлар ортилган транспорт воситалари ҳамда ҳалқаро ҳужжатларда кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно);

товар сифатидаги автотранспорт ташишда фойдаланиладиган транспорт воситасига;

чегара божхона постлари худудларига туташ жойлашган божхона терминалларига юбориладиган автотранспорт воситаларига;

(4-банд *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 15 июлдаги 01-02/12-45-сонли қарорига* (рўйхат рақами 2904-1, 16.08.2019 й.) асосан бешинчи — саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилган — *Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2019 й., 10/19/2904-1/3572-сон*)

маҳсус божхона пломбалари қўйишнинг имкони бўлмаган бошқа асосли ҳолларда.

Олдинги таҳрирга қаранг.

4¹. Хорижий давлатлар божхона органлари, транспорт ва экспедиторлик ташкилотлари томонидан товар ва транспорт воситаларига қўйилган идентификация воситалари қаторида товарларни ишлаб чиқарувчилар ва ушбу товарларни юборувчиларнинг идентификация воситалари ҳам тан олинади.

(4¹-банд *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 7 декабрдаги 01-02/12-60-сонли қарорига* (рўйхат рақами 2904-2, 31.12.2020 й.) асосан киритилган — *Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.01.2020 й., 10/20/2904-2/1701-сон — 2021 йил 1 январдан кучга киради*)

5. Ўзбекистон Республикаси божхона худудига олиб кирилаётган, божхона худудидан олиб чиқилаётган ва транзит тартибида ҳаракатланаётган товарлар ортилган транспорт воситаларининг юк бўлимлари жўнатувчи божхона постларида божхона назорати ва расмийлаштирувидан ўтказилганидан сўнг, махсус божхона пломбалари қўйилади.

Олдинги таҳиррга қаранг.

«Экспорт» божхона режимида божхона юк декларацияси «яшил» йўлак орқали автоматик равишда божхона расмийлаштирувидан ўтказилиб, товарлар Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчаси расмийлаштирилган ҳолда олиб чиқилаётганда, шунингдек юк жўнатувчилар ва (ёки) ташувчиларнинг талабига кўра махсус божхона пломбалари чегара божхона постларида транспорт воситаларининг юк бўлимларига қўйилади.

(5-банд *Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 7 декабрдаги 01-02/12-60-сонли қарорига* (рўйхат рақами 2904-2, 31.12.2020 й.) асосан хатбоши билан тўлдирилган — Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.01.2020 й., 10/20/2904-2/1701-сон — 2021 йил 1 январдан кучга киради)

6. Товарлар ортилган транспорт воситаларининг юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш транспорт воситаларидан товар ёки буюмларни тушириш, шунингдек транспорт воситаларига бошқа товар ва буюмларни ортиш имкониятини истисно этиши лозим.

7. Транспорт воситаларига расмийлаштирилган Юкни етказиб бериш назорат китобчаси ёки Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасининг белгиланган катагида қўйилган махсус божхона пломбасининг рақами қайд этилади.

8. Транспорт воситаларининг божхона худудига киришида, божхона худудидан чиқишида уларнинг товарлар ортилган юк бўлимларига қўйилган махсус божхона пломбаларининг мавжудлиги ва пломба қўйилган жиҳозлар (вагон/контейнер конструкцияси, тиркаманинг трости, тенти, том, пол қисмлари ва ҳ. к) (бундан буён матнда пломба қўйилган жиҳозлар деб юритилади) божхона пости ходими томонидан текширилади ҳамда транспорт ҳужжатларидаги маълумотлар билан солиштирилади.

Манзил божхона постларида махсус божхона пломбалари ҳамда пломба қўйилган жиҳозларга зарар етказилмаганлигига ходим томонидан ишонч ҳосил қилингандан сўнг белгиланган тартибида божхона расмийлаштируви амалга оширилади.

Махсус божхона пломбалари ҳамда пломба қўйилган жиҳозларга зарар етказилганлиги аниқлангандан тегишли тартибида божхона қоидаларининг бузилиши юзасидан иш материаллари юритилиб, товарлар божхона кўригидан ўтказилади.

9. Транспорт воситаларига ортилган товарлар Ўзбекистон Республикасининг икки ва ундан ортиқ ташқи иқтисодий фаолият (бундан буён матнда ТИФ деб юритилади) қатнашчиларига олиб келинаётган тақдирда жўнатувчи божхона пости томонидан пломбаланган транспорт воситаси энг яқин худуддаги ТИФ қатнашчиси жойлашган жойдаги манзил божхона постига янги махсус божхона пломбалари қўйилган ҳолда йўналтирилади. Бу бўйича тегишли маълумотлар Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида киритилади.

Биринчи манзил божхона постида товарлар ортилган транспорт воситаси билан мазкур Қоидаларнинг **8-бандига** мувофиқ тегишли ҳаракатлар амалга оширилгандан сўнг ушбу божхона пости томонидан кейинги энг яқин худуддаги ТИФ қатнашчиси жойлашган жойдаги манзил божхона постига янги махсус божхона пломбалари қўйилган ҳолда йўналтирилади. Бу бўйича тегишли маълумотлар Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида киритилади.

10. Божхона кодексининг **224-моддасига** мувофиқ, авария ёки енгиб бўлмас куч таъсири ёхуд товарларни тайин қилингандан жойга ташишга тўсқинлик қиладиган бошқа вазиятлар оқибатида ташувчи:

товарнинг, транспорт воситасининг бутлигини саклаш ва улардан фойдаланилишига йўл қўймаслик учун зарур чора-тадбирларни кўриши;

энг яқин божхона органига тегишли вазиятлар, товарнинг ва транспорт воситасининг турган жойи тўғрисида дарҳол хабар бериши;

товарларни энг яқин божхона органига ёки божхона органи кўрсатган бошқа жойга олиб бориши ёхуд, агар унинг транспорт воситаси бузилган бўлса, олиб борилишини таъминлаши шарт.

Божхона органи божхона назоратини таъминлаш учун қўлланиладиган чоратадбирларни содир бўлган ҳодисанинг хусусиятига, товар сифатининг йўқотилиш даражаси ва товар ташилишини амалга ошираётган транспорт воситасининг техник ҳолатига боғлиқ равишда белгилайди.

Бунда, божхона органи томонидан транспорт воситасининг юк бўлимига янгидан маҳсус божхона пломбалари қўйилади ва бу тўғрисида транспорт хужжатлари ҳамда Давлат божхона қўмитасининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизимиға маълумотлар киритилади.

3-боб. Якуний қоидалар

11. Товарларни бир (божхона) омбордан бошқа (божхона) омборга олиб ўтиш жараёнида божхона постлари томонидан маҳсус божхона пломбаларини қўйиш ҳамда текшириш мазкур Қоидаларнинг [2-бобида](#) қайд этилган тартибда амалга оширилади.

12. Транспорт воситаларининг товарлар ортилган бўлимларидан ечиб олинган маҳсус божхона пломбаларидан такrorан фойдаланишига йўл қўйилмайди.

13. Мазкур Қоидаларда кўрсатилган талабларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 755-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 16.08.2019 й., 10/19/2904-1/3572-сон; 31.01.2020 й., 10/20/2904-2/1701-сон)